

**SOCIO-ECONOMIC FEATURES OF TOURISM DEVELOPMENT****A.S. Abdukhamidov**

Associate Professor

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

M.K. Dustova

Master's student

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: tourism, gross domestic product, service, tourist route, service, transport, historical monument, spiritual and ethnic heritage, tourist infrastructure.

Abstract: This article focuses on the social and economic features of the development of tourism, and also developed recommendations for the sustainable development of the tourism sector, raising it to new levels, improving the quality of services and the share of travel services in GDP.

Received: 02.06.22**Accepted:** 04.06.22**Published:** 06.06.22**ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ****A.C. Абдухамидов**

Доцент

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

M.K. Дустова

Магистратура талабаси

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: туризм, ялпи ички маҳсулот, хизмат кўрсатиш, туристик маршрут, сервис, транспорт, тарихий ёдгорлик, маънавий-этник мерос, туризм инфратузилмаси.

Аннотация: Ушбу мақола туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда шунингдек мамлакатимизда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, уни янги bosqichlarга олиб чиқиш, ЯИМдаги улушини

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА***А.С. Абдухамидов****Доцент**Самаркандский институт экономики и сервиса**Самарканд, Узбекистан****М.К. Дустова****студент магистратуры**Самаркандский институт экономики и сервиса**Самарканд, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: туризм, валовой внутренний продукт, обслуживание, туристический маршрут, сервис, транспорт, исторический памятник, духовное и этническое наследие, туристическая инфраструктура.

Аннотация: Данная статья посвящена социальным и экономическим особенностям развития туризма, а также разработаны рекомендации по стабильному развитию сферы туризма, поднятия его на новые уровни, повышение качества услуг и доли туруслуг в ВВП страны.

КИРИШ

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ўрни ва роли ғоят сезиларли бўлиб, бунда туризмнинг аҳамияти бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига қараганда юқори суръатлар билан ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларга жуда ҳам катта эътибор берилиб, унинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари шаклланимоқда ва қарор топмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, каммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳ.к. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очар масканлар индустриясини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олгандир.

Туризм соҳаси ҳозирги кунда жаҳондаги энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, унинг иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантирмоқдалар. Жумладан мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Туризм соҳаси ҳозирги кунда жаҳондаги энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, унинг иқтисодийдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантирмоқдалар. Жумладан мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон бой туристик салоҳиятга ва туризмни ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга, шу туфайли мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун турли чора тадбирлар, Президентимиз қарор ва фармонлари ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5326 сонли Фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3509 сонли ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг туризмни ривожлантириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3510 сонли Қарорлари, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3514 сонли Қарори, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли Фармони, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «[Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида](#)”ги Фармони, 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидандир.

Умумэтироф этилаётган юзлаб тарихий ёдгорликларимиз, тоғлар, дашт ва чўللари ўз ичига олган гўзал ва бетакрор табиати, мамлакатимизда яшаётган халқларнинг маънавий-этник мероси кабилар дунёнинг турли бурчакларида яшаётган халқларни Ўзбекистонга жалб қилмоқда. Шу туфайли, мамлакатимизда минтақалар кесимида туризм соҳасини ривожлантиришни тадқиқ қилиш, уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганиш, ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш, минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш кабилар энг муҳим масалалар сирасига киради.

Ҳозирги кунда Туризмни ривожлантириш ва уни бошқаришдаги муаммо уни халқаро стандартларга мослаштиришдан, бошқариш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан

бири бўлган туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишдан, уни самарали режалаштириш, туристик корхоналар фаолиятини ташкил этишда хорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан мамлакатимиз шароитида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий вазифаси шуки, у минтақаларда туризм билан ҳамкорликда ишлаётган фаолият турларини ривожланишига, минтақа аҳолисининг яшаш даражаси ва сифатини оширишга, минтақа ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ривожлантиришга ёрдам беради.

Таъкидлаш жойизки, минтақаларда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш ЯИМга тўғридан-тўғри тушум қилишидан ташқари, товар ва хизматларга бўлган иккиламчи талабни қондириш билан бирга ўзаро бир-бирига яқин бўлган соҳаларнинг рентабеллигини ошириб боради.

Туризм бозорларида меҳмонхона хўжалиги ва овқатланиш корхоналарига, санатория-курорт тармоқларига, шунингдек, туризмнинг бошқа фаолият соҳаларига ишчи кучи талаб қилади. Шу туфайли туризм фаолияти аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига қараганда туризм соҳасида яратилган 100 та иш жойи бошқа соҳаларда 150 та иш жойи яратилишига сабаб бўлади. Ушбу соҳада тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра соҳада яратилган 1 та иш ўрни бошқа турдош соҳаларда 7 тагача иш ўринлари ташкил қилиниши мумкин. Жумладан, савдо, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, банк, суғурта, тиббий хизматлар ва бошқалар.

Туризм бозорларида туристик товарлар ва хизматларни импорт, шу билан бир қаторда экспорт қилиш жараёнлари амалга оширилади. Туристик товар ва хизматларни импорт қилиш жараёнида мазкур мамлакат иқтисодиётининг актив иккинчи ҳолатда эса пассив тури тўғрисида гап боради. Тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, туристик товарлар ва хизматлар экспорт қилинишида четга чиқарилмайди балки, туристларни қабул қилувчи мамлакатнинг ўзида истеъмол қилинади.

Туризм минтақаларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарига ижобий таъсир кўрсатади, маҳаллий инфратузилманинг ривожланишига шароит яратади ва аҳоли даромадларини оширади. Бошқа тармоқ ва соҳалар фаолиятлари билан боғлиқ равишда хизмат кўрсатиш тармоғини яратиш, уларнинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда иқтисодиётни диверсификациялаш имконини беради.

Туризм шу соҳасига ихтисослашган минтақа ва мамлакатларга миллий фойдани қайта тақсимлаш имкониятини яратади. Туризмни ривожлантириш кўплаб олисдаги аҳолиси кам ва саноати паст даражада ривожланаётган лекин ўзининг табиати, тарихий-маданий

объектлари билан ўзига тортадиган ҳудудларнинг юқори суръатлар билан иқтисодий ўсишини таъминлайди.

Инвестицияларни жалб қилиш, туризмнинг динамик равишда ривожланиши ҳамда сарфланган маблағларнинг тез ва юқори даражадаги фойдалилигини таъминлайди. Айнан ана шу элементлар туризмнинг асосий ресурслар базасини ташкил этиб, туристик хизматлар сифатининг ўзига хослиги ва жозибadorлигини оширади.

ХУЛОСА

Умуман олганда туризм мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий катализатор вазифасини бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда туризмни барқарор ривожлантириш, уни янги босқичларга олиб чиқиш, ЯИМдаги улушини ошириш ва хизматлар сифатини оширишда қуйидаги қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

–туристик фаолиятни режалаштириш ва ривожлантиришга маҳаллий жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимиятни жалб қилиш, маҳаллий аҳоли фаровонлиги ошиши, солиқ, божхона хизмати билан боғлиқ ва бошқа туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган қийинчиликларни енгиб ўтиш;

–туризм хизматлар бозорида фаолият юритувчи ходимларнинг касбий малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, минтақаларни ўзларидаги туристик ресурслар билан таҳлил қилиш, соҳани ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни янада жадаллаштириш ва уларнинг ижроси бўйича назоратни кучайтириш;

–туристик маҳсулотларни миллий ва халқаро туризм бозорига чиқариш, миллий ва жозибador туристик маҳсулотлар яратиш бўйича маркетинг фаолиятини амалга ошириш ҳамда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

–соҳа учун давлат дастурларига мос ва бугунги кун талабларига жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида халқаро тажрибалар алмашишини йўлга қўйиш ва б..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Балтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2018 й.
2. Тухлиев, И. С., & Ибадуллаев, Н. Е. (2011). Туризм операторлик хизматини ташкиллаштиришнинг асослари. Ўқув қўлланма. С.: СамИСИ, 256.
3. Tukhliev, I. S., & Muhamadiyev, A. N. (2019). SMART-TOURISM EXPERIENCE IN GEO INFORMATION SYSTEMS. Theoretical & Applied Science, (4), 501-504.

4. Tukhliev, I. S., & Muhamadiyev, A. N. General architecture of a geoport system created for tourism. *International Journal on Integrated Education*, 3(2), 115-117.
5. Amriddinova, R. S., & Abdukhamidov, S. A. (2021). Factors for Determining the Specialization of the Regions of the Republic of Uzbekistan in Tourism and the Assessment of Tourist Attractiveness. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE*, 2(10), 51-55.
6. Tukhliev I.S., Abdukhamidov S.A. DIRECTIONS OF ACTIVATION OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN FORMING INNOVATIVE ECONOMY. BБК: 75.81 Т 88, 235. (2019).
7. Хакбердиев, К. К. (2021). СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА И КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ В ОБЛАСТИ ДОБЫЧИ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 713-718.
8. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.
9. Karimova, N. E., Sadibekova, B. D., Hasanova, N. N., Sadullayeva, S., & Abdurashidov, N. (2020). Smart management as an innovative way to manage change in the process of globalization. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1221-1225.
10. Usmanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.